



Қашқадарё вилояти

«Аёллар дафтари»ни varaқлаганда...



Хоразм вилояти

Катта бир китобга мавзу бўлгулик

Ҳаёт кимгадир қанд берса, кимгадир панд беради. Яккабоғ тумани «Узун» маҳалласида яшовчи Меҳринисо Келдиёрова 2014 йилда турмушга чиқди. Бирин-кетин фарзандлар тугилди. Эри билан муносабатлари ёмон бўлма-маса-да, қайнонаси билан келишмагани учун ёш оила ижара уйга кўчиб чиқишга мажбур бўлди. Барибир оила парчаланди. Она ўғлини бошқага уйлантирди.



нинг саломатлиги тикланди. Кўнгли ёришган аёл ўзининг фарзандларига, давлат ва жамиятга керак эканини ҳис этди. Ҳаётга қизиқиши қайтди. Худди шу маҳалла фуқаролари Муҳтарам Ҳайитова ҳамда Ойимгул Маҳмудова кўшни. Ҳар иккисининг уйи атрофини зах босиб кетган, бу деворларга ҳам салбий таъсир кўрсатган. Уларнинг оилавий шароити ҳисобга олиниб, давлат томонидан 5 миллион сўмдан маблағ ажратилди ва уйлари таъмирлаб берилди.



Ишсиз юрган, икки фарзанднинг онаси Райхон Абдуллаева хусусий тикув цехидаги чеварлар сафига қўшилди. Турмуш уртотидан ажрашиб, уч боласини ёлғиз воёга етказаят-



тақдим этилди. Биринчи гуруҳ ногирони Саломат Ҳамроевага эса аравача берилиб, озиқ-овқат ва пул кўринишидаги моддий ёрдам ажратилди.

Меҳринисо хусусий боғчага ишга кирди, кундузлари болаларга қараса, кечалари тикувчилик қилди. Гарчи тўрт боласига эридан алимент пули олса-да, ижара уйда яшагани учун топганининг баракиси бўлмади. Бу орада маҳалла ва касабга уюшма фаоллари аёлнинг мушкул аҳволини ўрганиб, уни «Аёллар дафтари»га киргизишди. Турар жойга муҳтожлиги сабаб 2022 йилдаги ижара харажатлари учун уч ярим миллион сўм компенсация пули тўлаб берилди. Шу йилнинг бошида эса Меҳринисо ва унинг фарзандлари янги уйга кўчиб ўтишди. Неча йиллардан буён ижарама-ижара оворая сарсон бўлган она ва унинг жажжилари ниҳоят ўз бошпанасига эга бўлишди.

Тумандаги «Бунёдкор» маҳалласида яшовчи Ҳикмат Жабборованинг турмуш ўртоғи вафот этган. Ўзи эса сурункали хасталикдан озор чекарди. Бафуржа даволанай деса маблағ масаласи қийнади. «Аёллар дафтари» сабаб унга 12 миллион 841 минг сўм маблағ ажратилди. Тошкентдаги клиникада жарроҳлик амалиётини бошидан ўтказган Ҳикматойнинг саломатлиги тикланди. Кўнгли ёришган аёл ўзининг фарзандларига, давлат ва жамиятга керак эканини ҳис этди. Ҳаётга қизиқиши қайтди. Худди шу маҳалла фуқаролари Муҳтарам Ҳайитова ҳамда Ойимгул Маҳмудова кўшни. Ҳар иккисининг уйи атрофини зах босиб кетган, бу деворларга ҳам салбий таъсир кўрсатган. Уларнинг оилавий шароити ҳисобга олиниб, давлат томонидан 5 миллион сўмдан маблағ ажратилди ва уйлари таъмирлаб берилди.

ҚИШЛОҚ ШАРОИТИДА ПАРРАНДАЧИЛИК, ЧОРВАЧИЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШНИНГ ИМКОНИ БОР. АММО ЕМНИНГ ҚИММАТЛИГИ ҲАР ҚАНДАЙ ИХЛОСМАНДНИНГ ШАШТИНИ ҚАЙТАРИШИ ҲАМ БОР ГАП. УЧ ФАРЗАНДНИНГ ОНАСИ ШАҲНОЗА ҒУЗОРОВА ИШСИЗЛИГИ, ТОВУҚ БОҚМОҚЧИ ЭКАНИ, БИРОҚ ДОН-ДУНГА МАБЛАҒИ ЙЎҚЛИГИНИ АЙТГАНДИ, УНГА 5 МИЛЛИОН СЎМ КРЕДИТ БЕРИЛДИ.

Кўнгли ёришган аёл ўзининг фарзандларига, давлат ва жамиятга керак эканини ҳис этди. Ҳаётга қизиқиши қайтди. Худди шу маҳалла фуқаролари Муҳтарам Ҳайитова ҳамда Ойимгул Маҳмудова кўшни. Ҳар иккисининг уйи атрофини зах босиб кетган, бу деворларга ҳам салбий таъсир кўрсатган. Уларнинг оилавий шароити ҳисобга олиниб, давлат томонидан 5 миллион сўмдан маблағ ажратилди ва уйлари таъмирлаб берилди.

Фазилат Шоймардонова эса оила аъзолари билан маслаҳатлашиб, чорвачиликни ихтиёр қилди. Тезда банк ҳужжатлари тахлиб, аёлга 33 миллион сўм маблағ ажратилди. Аини пайтда боқувдаги қўйлар кўпаймоқда, оиланинг яшаш шароити яхшиланяпти.

Ушбу маҳаллада ҳам ижарада яшайдиганлар, уй-жойга муҳтожлар йўқ эмас. Масалан, Моҳира Бахтиёрова ҳамда Мақсуда Туропова ана шундай аёллардан. Уларга давлат томонидан икки ярим миллион сўмдан ижара учун компенсация пуллари тўлаб берилди.

Туманининг «Ёшлик» маҳалласида ҳам шу кунларда «Аёллар дафтари»нинг тўртинчи босқичи учун хатлов жараёнлари қизғин. Бево-сита учинчи босқич якунларига тўхталсак, унда 72 нафар хотин-қизга турли хилдаги ёрдам кўрсатилди. Жумладан, Мақсуда Эшматовга субсидия асосида тикиш машинаси берилди. Қўли гул аёл кўни-қўшни ёш қизларни шоғирдикка олиб, чеварликни бошлади. Уй шароитида ўзини ўзи банд қилди.

Матлуба Бойназарованинг икки фарзанди бор, турмуш ўртоғи бемор. Турдихол Отакулованинг ҳам икки нафар воёга етмаган боласи ейман-ичаман, деб турибди. «Аёллар дафтари»нинг ишсизлар тоифасида рўйхатга олинган бу икки аёл Яккабоғ туман ободонлаштириш бошқармасига ишга қабул қилинди. «Ёшлик» маҳалласидаги 37 нафар аёлга бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди.

Туманда 62 та маҳалла бўлиб, «Аёллар дафтари»нинг навбатдаги босқичини шакллантириш учун хотин-қизларнинг оилавий ҳолати, яшаш тарзи, муаммолари ўрганиб чиқилмоқда. Ишдаги тезкорликни таъминлаш, ортиқча ҳужжатбозликни камайитириш мақсадида ҳар бир маҳаллада хотин-қизлар фаолига планшет тарқатилган. Аини пайтда фаоллар хатлов жараёнида ўзлари мулоқотда бўлган хотин-қизнинг муаммоси, эҳтиёжи, режа ва қизиқишлари ҳақидаги маълумотларни электрон тарзда шакллантириб бораётир.

«Аёллар дафтари»ни varaқлар эканмиз, аҳоли билан мулоқотларда кўпалар мавҳум бўлган муаммолар юзга чиқаятганини кўрдик. Касб-хунарга ўқиш истагида бўлганлар ҳеч бир муаммосиз ўқитилмапти. Ҳатто стипендия билан таъминланиб, ўқув курсларини битиргач, ишга жойлашиши ёки қандайдир тадбиркорликни бошлаши учун амалий ёрдам, йўл-йўриқ кўрсатилмоқда. Умуман, дафтardaги ҳар бир тоифа бўйича қилинаётган ишлар катта бир китобга мавзу бўлгулик.

Акмал АБДИЕВ «ISHONCH»

Агросаноат мажмуи ҳодимлари касабга уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси томонидан бошланғич ташкилотларда фаолиятни намунали ташкил қилишга бағишланган амалий анжуман уюштирилди.

Анжуман



НАМУНАЛИ ФАОЛИЯТ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Тармоқ касабга уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши тасарруфидagi бошланғич ташкилотлар раислари давлат шаҳар кенгаши фаолияти билан танишдилар.

– Жамоада меҳнат муносабатларини талаб даражасида йўлга қўйишда, ҳодимлар учун муносиб иш ва дам олиш шароитлари яратишда бошланғич ташкилотлар иштироки муҳим, – деди масъул ташкилотчи Шавкат Сафарбоев. – Касабқўм етакчиси қатъиятли бўлса, меҳнат қонунчилигини яхши билса, иш берувчи олдига ҳамкасблари манфаатларини кўзлаб вазибалар қўя олади.

Тадбирда бошланғич ташкилот раислари эътибор қаратиши керак бўлган жиҳатлар кенг таҳлил қилинди.

Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори Музаффар Отабоев иштирокчиларни янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг моҳияти ва аҳамияти билан таништирди.

Албатта, бошланғич ташкилотлар намунали фаолият юритишларида ишни устив талаблари асосида ташкил қилишнинг аҳамияти катта. Вилоят кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири Қаҳрамон Машарипов касабқўмларга бу борада зарур тавсиялар берди. Кенгаш бўлим мудири Озод Исмоилов, Худойберган Отажонов ва бошқалар касабга аъзолари ҳамда уларнинг яқинларини соғломлаштириш, янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси талабларидан келиб чиққан ҳолда жамоа келишувлари ва шартномалари тузиш юзасидан маъруза қилдилар.

Шунингдек, меҳнат муҳофазасига доир қонун ва қонуности ҳужжатлари ижросини таъминлашда касабга уюшмалари томонидан жамоа назоратини ташкил қилиш, касабга уюшма маблағларидан мақсади ва самарали фойдаланиш масалалари таҳлил қилинди.

Анжуман фикр-мунозараларга, савол-жавобларга бой тарзда ўтди.

Мухаббат ТЎРАБОВЕВА «ISHONCH»



Сурхондарё вилояти

КўНГИЛЛАРНИ ШОД АЙЛАБ...

Турмуш шароити оғир, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизларга ҳар томонлама кўмаклашиш фаолиятимизнинг устувор вазифаларидан бирига айланди. Бунини Сарийосиё тумани 3-секторидан амалга ошириляётган ишлар ҳам тасдиқлаб турибди.

Аёллар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича туман ҳокимининг хотин-қизлар бўйича ўринбосари билан биргаликда ўтган йилнинг бошида «Аёллар дафтари»нинг 3-босқичида 558 нафар аёл рўйхатга олинди. Уларнинг муаммоларини олти тоифага ажратиб, йил якунига қадар барчасига амалий ёрдамлар берилди.

Энг муҳими, ижтимоий ҳимояга муҳтож 174 нафар ишсиз хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Уларнинг 8 нафари доимий, 9 нафари вақтинчалик жамоат ишларига жалб қилинди. 20 нафари касб-хунарга ўқитилди. 7 нафари эса «Аёллар дафтари» жамғармаси ҳисобидан субсидия ажратилиб бандлиги таъминланди. 17 нафари бошқа жамғарма ва манбалар ҳисобидан ажратилган субсидия-кредитлар ҳисобидан, 113 нафари мустақил равишда ишга жойлашди. 110 нафар хотин-қиз ўзини-ўзи банд қилишга эришди.

«Бойсунобод» маҳалласида

яшовчи Шафоат Ўзбековага тадбиркорлик фаолиятини бошлашига, яъни пахта тозалаш цехи ускуналари олиши, «Боғишмол» маҳалласида фуқароси Гулзамон Нормаматованинг тикув машинаси харидига, «Маданкон» маҳалласида яшовчи Наргиза Одинаваннинг иссиқхона қуриб олиши ҳамда «Ширин» маҳалласи фуқароси Шарофат Тилаковага қандолатчилик цехини ташкил қилишига банк кредити маблағлари имтиёзли равишда ажратиб берилди. Уларнинг барчаси бугунги кунда самарали фаолият юритмоқда.

«Аёллар дафтари»га киритилган 213 нафар боқувчисини йўқотган, жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган, руҳий касалликка чалинган, 1-, 2-гуруҳ ногиронлиги бўлган ҳамда доимий даромад манбаига эга бўлмаган ва эҳтиёжманд ёлғиз оналарга тўлиқ бир марталик ёрдам кўрсатилди.

Ижтимоий ёрдам ва ўзгалар кўмагига муҳтож 1-, 2-гуруҳ ногиронлиги бўлган, тезкор тиббий муолажага эҳтиёжи бор хо-

тин-қизларнинг 92 нафари ҳам шундай имтиёздан фойдаландилар.

Секторимиз ҳудудидаги маҳаллаларда 17 нафар хотин-қиз ўй-жойга муҳтож бўлгани учун «Аёллар дафтари»га рўйхатга олиниб, муаммолари ижобий ҳал этилди. «Хуршид» маҳалласида яшовчи Матлуба Сафарова Шарғун шаҳрида қурилган намунавий кўп қаватли уйлардан, «Боғишмол» маҳалласида истиқомат қилувчи Олга Дурдимухаммедова Янги Ўзбекистон массивида қуриляётган намунавий кўп қаватли уйлардан бошланғич тўловини маълум маблағи ҳисобидан амалга оширган ҳолда уй-жой билан таъминланди. «Ширин»лик Сайёра Собиранованинг уй-жой мероси масаласидаги муаммоси ўрганилиб адолатли ҳал этилди. Шунингдек, «Кончилар» маҳалласида яшовчи С.Курбонова, О.Қаландарова, Г.Иброҳимова каби 7 нафар аёлга «Аёллар дафтари» жамғармасидан ижара компенсация пуллари тўлаб берилди.

Ногирон фарзандларни воёга етказаятган 58 нафар хотин-қизга

ган Гулшод Кўчқорова 5 миллион сўм кредит олиб, уйда «Ўзалик салони» очди.

Энди «Гулистон» маҳалласига ўтамиз. Фуқаро Ойжамол Раҳимова кўп йиллар мактабда ўқитувчилик қилди. Бироқ дард тегиб, фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди. Топгани дори-дармондан ортмай қолди. Ишчи гуруҳ аъзолари Ойжамолни ҳам «Аёллар дафтари»га қайд этишди. Воқеалар ривожига аёлнинг муолажаси учун 10 миллион сўм маблағ ажратилди. Бундан ташқари, Янги йил байрами арафасида оиласига озиқ-овқат жамланмаса

беминат моддий ёрдам кўрсатилди. Айримларига ногиронлик аравачалари берилди. Баъзилари соғликларини тиклаши учун шифохоналарга ётқизилди. Бошқаларига сийхаттоҳларга йўланмалар ажратилди.

Биз «Аёллар дафтари»га киритилганларнинг муаммоларини бартараф этиш билан чекланиб қолмай, сектор ҳудудидаги барча хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимоясига ўзимизни масъул деб биламиз. Ҳудудда тадбиркорликни янада ривожлантириш учун етарлича шароитлар бор.

Аини кунларда «Аёллар дафтари»нинг 4-босқичини шакллантириш учун сектор ҳудудидаги ишсиз аёлларнинг оилавий шароитларини ўрганиб, рўйхатга оляпмиз.

Хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва бандлигини таъминлаш, уларни асраб-авайлаш орқали келажак авлоднинг соғлом ўсиши, эмин-эркин воёга етишини таъминлаган бўламиз.

Мухаддин ОМОНТЎРАЕВ, Сарийосиё тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, туман 3-сектори раҳбари, «Энг яхши сектор раҳбари» республика танлови ғолиби



Фарғона вилояти



Тошкент сўзи уйқашдир тинчлик билан ҳаётга

Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши томонидан бир сафга бирлашган аъзоларни турли гўшаларга саёҳатга олиб бориш одат тусига айланган.

Бу саёҳатнинг навбатдагиси Тошкент шаҳрига уюштирилди. Унга вилоятдаги ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган 50 нафар ишчи-ҳодим таклиф этилди. Меҳмонлар пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари билан яқиндан таниш-

дилар ҳамда Ислом Қаримов музейи, «Ғалаба боғи», «Янги Ўзбекистон боғи», «Зангиота» зиёратгоҳи, Ислом цивилизацияси маркази, Ҳазрати Имом каби мажмуаларда бўлдилар.

Жамшид ЭРГАШЕВ «ISHONCH»

Саёҳат



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бош прокуратурасига! Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига!

МАТБУОТГА МУНОСАБАТ ШУМИ?

Халқнинг ташвишу қувончлари, амалга оширилаётган кенг кўламли ишлару бу йўлдаги тўсиқларга кўзгу тугити, кенг омма эътиборига ҳавола этишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта. Айниқса, мақолаларда кўтарилган муаммолар ўз ечимини топса, давлат ҳам, жамият ҳам бирдек наф кўради. Давлатимиз раҳбари доимо журналистлар менинг ҳимоямда, деб муаммоларни дадил кўтаришни таъкидлаб келади. Бу сўзлардан руҳ олган қалам аҳли ўз бурчиға садоқати тўғрисида жамият ҳаётининг турли жабҳаларидаги муаммоларни

матбуотга олиб чиқишмоқда. Натижада халқимизни қийнаб келаётган кўпга масалалар ўз ечимини топади. Аммо...
Фуқароларнинг муносабатлари ва танқидий материалларга бепасанд муносабатда бўлаётган, бу борадаги қонун талабларини бузаётган мутасадди ташкилотлар ҳам оз эмас. Афсуски, бу оғриқли ҳолатларнинг тарқалиши «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари 2022 йилда 236 та танқидий материални кўриб чиқиб, муносабат билдириш учун тегишли ҳокимлик, вазирлик ва ташкилотларга

уборди. Қатор ташкилотлар масъулиятни ҳис этган ҳолда ўз вақтида муносабат билдиришди. Лекин... Шу кунгача улاردан ярмидан кўпроғи, яъни 119 тасига жавоб келмади. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги ҳамда «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида»ги қонунларда оммавий ахборот воситалари таҳририятларидан келиб тушган муносабатлар тегишли тартибда ва муддатларда кўриб чиқиши зарурлиги қайд этилган. Шундай экан, муносабатларга бепасандлик билан қараётган

давлат идоралари, ташкилотлар ва мансабдор шахслар қонун олдида жавоб беришлари лозим.
Қуйида «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг муносабатларига жавоб бермасдан уларни эътиборсиз қолдириб, тегишли қонунлар талабини бузаётган давлат идоралари ва ташкилотлар рўйхатини эълон қиламиз. Балки шундан кейин уйқудаги масъуллар уйғонишиб, кўтарилган масалаларга ўз муносабатларини билдиришар.

ҚАМАШИ ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ
«Қамашининг «қорлар»и қачон эрийдими?», 2022 йил 8 январь, 3-сон (2-сонли хат. Юборилган санаси 14.01.2022 й.);

ТОШКЕНТ ШАҲАР «ЯШНАБОД ТУМАНИ ГАЗ» БЎЛИМИ
«Касса олдидаги тирбандликлар», 2022 йил 13 январь, 5-6-сонлар (3-сонли хат. Юборилган санаси 14.01.2022 й.);

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
«Қўрғончиликлар тоқайгача қийналиб яшайди?», 2022 йил 15 январь, 7-сон (7-сонли хат. Юборилган санаси 25.01.2022 й.);

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
«Энди бизга география фани керак эмасми?», 2022 йил 18 январь, 8-сон (8-сонли хат. Юборилган санаси 25.01.2022 й.);

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ БОШ БОШҚАРМАСИ
«ЙТХ «пандемия»си ёхуд воғда етмаганлар иштирокидаги автохлокатлар сонини нега ортомқадда?», 2022 йил 20 январь, 9-сон (6-сонли хат. Юборилган санаси 25.01.2022 й.);

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
«Нега шундай?», 2022 йил 25 январь, 11-сон (10-сонли хат. Юборилган санаси 27.01.2022 й.);

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
«Шу ростми?», 2022 йил 25 январь, 11-сон (11-сонли хат. Юборилган санаси 27.01.2022 й.);

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
«Тошкентда трамвай қатнови тикланадими?», 2022 йил 25 январь, 11-сон (12-сонли хат. Юборилган санаси 27.01.2022 й.);

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
«Дарслиқлар ҳар йили чоп этилиши шартми?», 2022 йил 25 январь, 11-сон (14-сонли хат. Юборилган санаси 27.01.2022 й.);

АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ҚЎМИТАСИ
«Йўллар қачон раво бўлади?», 2022 йил 25 январь, 11-сон (16-сонли хат. Юборилган санаси 27.01.2022 й.);

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
«Дастурга киритилиши кутилаётган эмиш...», 2022 йил 27 январь, 12-сон (19-сонли хат. Юборилган санаси 01.02.2022 й.);

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
«Чарвак» қачон «Чорвоқ», «Чимган» қачон «Чимён» бўлади?», 2022 йил 8 февраль, 17-сон (26-сонли хат. Юборилган санаси 10.02.2022 й.);

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
«Замонавий компьютерлар орзулигича қолаверадими?», 2022 йил 17 февраль, 21-сон (27-сонли хат. Юборилган санаси 22.02.2022 й.);

БЕКТЕМНОВ ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ
«Дўкон қидириб овора бўлманг», 2022 йил 17 февраль, 21-сон (30-сонли хат. Юборилган санаси 22.02.2022 й.);

БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
«Мозийга муносабат шуми?», 2022 йил 17 февраль, 21-сон (31-сонли хат. Юборилган санаси 22.02.2022 й.);

МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
«Совуқ залдаги иссиқ томоша», 2022 йил 17 февраль, 21-сон (32-сонли хат. Юборилган санаси 22.02.2022 й.);

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
«Адашми» қачонгача давом этади?», 2022 йил 17 февраль, 21-сон (33-сонли хат. Юборилган санаси 22.02.2022 й.);

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
«Замонавий компьютерлар орзулигича қолаверадими?», 2022 йил 17 февраль, 21-сон (34-сонли хат. Юборилган санаси 22.02.2022 й.);

ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ
«Проездий»сиз талабалар», 2022 йил 17 февраль, 21-сон (38-сонли хат. Юборилган санаси 22.02.2022 й.);

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ
«Республикачилик назарияси зарурати ёхуд Ўзбекистон ҳудудида республикачилик тарихига бир назар», 2022 йил 17 февраль, 22-сон (40-сонли хат. Юборилган санаси 23.02.2022 й.);

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚАРО ИНСТИТУТИ
«Республикачилик назарияси зарурати ёхуд Ўзбекистон ҳудудида республикачилик тарихига бир назар», 2022 йил 17 февраль, 22-сон (41-сонли хат. Юборилган санаси 23.02.2022 й.);

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
«Низом кодексдан устунми?», 2022 йил

1 март, 26-сон (47-сонли хат. Юборилган санаси 04.03.2022 й.);

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
«Тоқайгача пул тўлайми?», 2022 йил 1 март, 26-сон (48-сонли хат. Юборилган санаси 04.03.2022 й.);

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
«Тоқайгача пул тўлайми?», 2022 йил 1 март, 26-сон (52-сонли хат. Юборилган санаси 04.03.2022 й.);

«ЎЗБЕКГЕОЛОГИЯ ҚИДИРУВ» АЖ
«Сизга бегона эмасман», 2022 йил 1 март, 26-сон (53-сонли хат. Юборилган санаси 09.03.2022 й.);

ҚАШҚАДАРЭ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
«Вақтинчалик кўприқлар», 2022 йил 3 март, 27-сон (57-сонли хат. Юборилган санаси 09.03.2022 й.);

ҚАШҚАДАРЭ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
«Обод»даги оқ ва қора ранглар», 2022 йил 5 март, 28-сон (58-сонли хат. Юборилган санаси 16.03.2022 й.);

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
«Бог аро қўйсам қадам... Ёхуд истироҳат боғлари қачон обод бўлади?», 2022 йил 12 март, 32-сон (59-сонли хат. Юборилган санаси 16.03.2022 й.);

СИРДАРЭ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
«Отлар ва шерларнинг Гулистонга қандай алоқаси бор?», 2022 йил 10 март, 31-сон (60-сонли хат. Юборилган санаси 16.03.2022 й.);

ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ
«Йўлнинг эгаси йўқми?», 2022 йил 15 март, 33-сон (63-сонли хат. Юборилган санаси 16.03.2022 й.);

МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ҚЎМИТАСИ
«Метан учун нарх монополияси ўрнатилганими?», 2022 йил 15 март, 33-сон (69-сонли хат. Юборилган санаси 17.03.2022 й.);

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
«Мусофир талабаларга қандай енгилликлар бор?», 2022 йил 15 март, 33-сон (70-сонли хат. Юборилган санаси 17.03.2022 й.);

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
«Муаллимлар овоз йиғида... Бу тартибда мантқиқ қани?», 2022 йил 29 март, 40-сон (71-сонли хат. Юборилган санаси 31.03.2022 й.);

МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РУ.
«Не угрожают ли льготы финансовой независимости вуза?», 2022 йил 25 февраль, 9-сон (73-сонли хат. Юборилган санаси 31.03.2022 й.);

МИНИСТЕРСТВО НАРОДНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РУ.
«Как долго будем платить за медосмотр?», 2022 йил 25 февраль, 9-сон (74-сонли хат. Юборилган санаси 31.03.2022 й.);

МИНИСТЕРСТВО ТуРИЗМА И КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ РУ.
«Медресе на грани исчезновения?», 2022 йил 25 февраль, 9-сон (75-сонли хат. Юборилган санаси 31.03.2022 й.);

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
«Комилоннинг хати ҳукумат қароридан устунми?», 2022 йил 2 апрель, 42-сон (77-сонли хат. Юборилган санаси 05.04.2022 й.);

АХБОРОТ ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР АГЕНТЛИГИ
«Сон бор, сифат-чи?», 2022 йил 9 апрель, 45-сон (79-сонли хат. Юборилган санаси 15.04.2022 й.);

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
«Сувни лойқалатаётган ким? Ёхуд халқ таълими вазирининг буйруғи Самарқанд вилоятида қарийб беш ойдан бунён бажарилмаётгани хусусида», 2022 йил 12 апрель, 46-сон (81-сонли хат. Юборилган санаси 15.04.2022 й.);

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
«Архивларда қолган номилар», 2022 йил 14 апрель, 47-сон (82-сонли хат. Юборилган санаси 15.04.2022 й.);

НУКУС ШАҲРИ ҲОКИМЛИГИ
«Харобага айланган оромгоҳлар», 2022 йил 14 апрель, 47-сон (83-сонли хат. Юборилган санаси 15.04.2022 й.);

ҚАШҚАДАРЭ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
«Қурилиш соҳаси мутасаддис комиссия тарихига қирадимми?», 2022 йил 16 апрель, 48-сон (90-сонли хат. Юборилган санаси 20.04.2022 й.);

МАҲАЛЛА ВА НУРОНИЙЛАРНИ ҚўЛЛАШ-ҚўВВЛАШ ВАЗИРЛИГИ
«Ёшлар етакчисини танийсизми?», 2022

йил 16 апрель, 48-сон (92-сонли хат. Юборилган санаси 20.04.2022 й.);

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСКАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
«Мақсад – камбағалликдан чиқаришни ёки янада қашшоқлаштиришни?», 2022 йил 16 апрель, 48-сон (93-сонли хат. Юборилган санаси 20.04.2022 й.);

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
«Айдинжол»нинг абгор аҳволи», 2022 йил 19 апрель, 49-сон (96-сонли хат. Юборилган санаси 20.04.2022 й.);

ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ
«Атто»нинг ортида ким бор?», 2022 йил 21 апрель, 50-сон (97-сонли хат. Юборилган санаси 29.04.2022 й.);

СИРДАРЭ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
«Болалар ҳақидан қўрқмайсизми?», 2022 йил 21 апрель, 50-сон (98-сонли хат. Юборилган санаси 29.04.2022 й.);

САРИОСИЁ ТУМАНИДАГИ «СУРХОН СИФАТ ТЕКСТИЛ» МЧЖ
«Эътиборсизлик боиси нимада?», 2022 йил 23 апрель, 51-сон (99-сонли хат. Юборилган санаси 29.04.2022 й.);

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
«Малакали ҳамширалар фақат пойтахтдами?», 2022 йил 23 апрель, 51-сон (106-сонли хат. Юборилган санаси 29.04.2022 й.);

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
«Меҳнатимиз қадр топадими?», 2022 йил 23 апрель, 51-сон (107-сонли хат. Юборилган санаси 29.04.2022 й.);

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
«Тақиқ муаммога ечимми?», 2022 йил 14 май, 57-сон (109-сонли хат. Юборилган санаси 20.05.2022 й.);

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
«Нега Президент қарорига амал қилинмади?», 2022 йил 14 май, 57-сон (111-сонли хат. Юборилган санаси 20.05.2022 й.);

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
«Нега Президент қарорига амал қилинмади?», 2022 йил 14 май, 57-сон (112-сонли хат. Юборилган санаси 20.05.2022 й.);

БОШ ПРОКУРАТУРА
«Ўзбошимчилик қачонгача?», 2022 йил 14 май, 57-сон (113-сонли хат. Юборилган санаси 20.05.2022 й.);

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
«Бекободда болалар шундай даволанадими?», 2022 йил 19 май, 59-сон (119-сонли хат. Юборилган санаси 20.05.2022 й.);

МИНИСТЕРСТВО КУЛЬТУРЫ РУ
«Вернись, счастливое мгновение!», 2022 йил 13 май, 20-сон (121-сонли хат. Юборилган санаси 02.06.2022 й.);

ХОКИМИЯТ ГОРОДА ТАШКЕНТА
«Рубяг сплеча и заливают цементом», 2022 йил 13 май, 20-сон (123-сонли хат. Юборилган санаси 02.06.2022 й.);

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ КОМИТЕТ РУ ПО ЭКОЛОГИИ И ОХРАНЕ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ
«Рубяг сплеча и заливают цементом», 2022 йил 13 май, 20-сон (125-сонли хат. Юборилган санаси 02.06.2022 й.);

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
«Тиббиёт бозорга айланмасин», 2022 йил 19 май, 59-сон (128-сонли хат. Юборилган санаси 03.06.2022 й.);

ҚАШҚАДАРЭ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
«Чала қолган иш ёхуд Лалмиобод қачон обод бўлади?», 2022 йил 26 май, 67-сон (129-сонли хат. Юборилган санаси 03.06.2022 й.);

БОШ ПРОКУРАТУРА
«Ойликсиз олти ой», 2022 йил 31 май, 69-сон (130-сонли хат. Юборилган санаси 03.06.2022 й.);

ҚИШЛОҚ ҲўЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
«Кўчатчини ким ўйлайди?», 2022 йил 31 май, 69-сон (131-сонли хат. Юборилган санаси 03.06.2022 й.);

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
«Қорақуя – у буғдойга ҳам, виждонга ҳам доғ бўлиб тушмасин», 2022 йил 11 июнь, 74-сон (135-сонли хат. Юборилган санаси 15.06.2022 й.);

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОШҚАРМАСИ
«Сомон ёнмоқда... Мутасаддилар эса

«менга нима, сенга нима» қабилида бепарво», 2022 йил 5 июль, 83-сон (139-сонли хат. Юборилган санаси 06.07.2022 й.);

БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
«Муҳандислар қаерда малака оширишсин?», 2022 йил 7 июль, 84-сон (142-сонли хат. Юборилган санаси 18.07.2022 й.);

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
«Оқтовнинг нарисиди, Қоратовнинг берисиди», 2022 йил 9 июль, 85-сон (143-сонли хат. Юборилган санаси 18.07.2022 й.);

ҚАШҚАДАРЭ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
«Тараққиёт кучасига қачон тараққиёт келади?», 2022 йил 16 июль, 87-сон (144-сонли хат. Юборилган санаси 18.07.2022 й.);

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
«Истеъмол саватчаси» тушунчаси қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилдими?», 2022 йил 28 июль, 91-сон (146-сонли хат. Юборилган санаси 02.08.2022 й.);

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
«Бемаслаҳат пиширилган ош каби ёхуд ҳужжатлар ижросида нега оворагарчиликлар юзага келмоқда?», 2022 йил 2 август, 94-сон (150-сонли хат. Юборилган санаси 11.08.2022 й.);

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСКАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
«Пиллачининг меҳнати бир коса лағмонга арзайдими?», 2022 йил 13 август, 98-сон (154-сонли хат. Юборилган санаси 18.08.2022 й.);

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
«Қуртлаган сувга кунимиз қолган», 2022 йил 13 август, 98-сон (156-сонли хат. Юборилган санаси 18.08.2022 й.);

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
«Кайфиятсиз ва ҳафсаласиз ўқитувчилар қаердан пайдо бўлмоқда?», 2022 йил 16 август, 99-сон (158-сонли хат. Юборилган санаси 18.08.2022 й.);

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ УЙ-ҲОЖИ КОММУНАЛ ХИЗМАТ КўРСАТИШ БОШҚАРМАСИ
«Қўрпангизни қалмироқ қилаверинг», 2022 йил 18 август, 100-сон (160-сонли хат. Юборилган санаси 24.08.2022 й.);

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
«Инфратузилмасиз намуналик уйлар», 2022 йил 25 август, 103-сон (162-сонли хат. Юборилган санаси 29.08.2022 й.);

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
«Президент қарори нега бажарилмаяпти?», 2022 йил 8 сентябрь, 109-сон (164-сонли хат. Юборилган санаси 13.09.2022 й.);

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
«Президент қарори нега бажарилмаяпти?», 2022 йил 8 сентябрь, 109-сон (165-сонли хат. Юборилган санаси 13.09.2022 й.);

СИРДАРЭ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
«Президент қарори нега бажарилмаяпти?», 2022 йил 8 сентябрь, 109-сон (166-сонли хат. Юборилган санаси 13.09.2022 й.);

ҚАШҚАДАРЭ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
«Президент қарори нега бажарилмаяпти?», 2022 йил 8 сентябрь, 109-сон (167-сонли хат. Юборилган санаси 13.09.2022 й.);

СУРХОНДАРЭ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
«Президент қарори нега бажарилмаяпти?», 2022 йил 8 сентябрь, 109-сон (168-сонли хат. Юборилган санаси 13.09.2022 й.);

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
«Президент қарори нега бажарилмаяпти?», 2022 йил 8 сентябрь, 109-сон (170-сонли хат. Юборилган санаси 13.09.2022 й.);

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
«Президент қарори нега бажарилмаяпти?», 2022 йил 8 сентябрь, 109-сон (171-сонли хат. Юборилган санаси 13.09.2022 й.);

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
«Президент қарори нега бажарилмаяпти?», 2022 йил 8 сентябрь, 109-сон (174-сонли хат. Юборилган санаси 13.09.2022 й.);

БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
«Президент қарори нега бажарилмаяпти?», 2022 йил 8 сентябрь, 109-сон (175-сонли хат. Юборилган санаси 13.09.2022 й.);

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
«Президент қарори нега бажарилмаяпти?», 2022 йил 8 сентябрь, 109-сон (176-сонли хат. Юборилган санаси 13.09.2022 й.);

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
«Президент қарори нега бажарилмаяпти?», 2022 йил 8 сентябрь, 109-сон (177-сонли хат. Юборилган санаси 13.09.2022 й.);

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
«Президент қарори нега бажарилмаяпти?», 2022 йил 8 сентябрь, 109-сон (178-сонли хат. Юборилган санаси 14.09.2022 й.);

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
«480 миллион сўм ютилган, аммо натижа...», 2022 йил 8 сентябрь, 109-сон (181-сонли хат. Юборилган санаси 14.09.2022 й.);

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
«Таъмирланган мактаб таъмирга муҳтож», 2022 йил 10 сентябрь, 110-сон (182-сонли хат. Юборилган санаси



Бухоро
вилояти

БИЗГА «ҚИШКИ ХОНА»ЛАР КЕРАК

Таклиф

ёхуд тежамкорлик хусусида мулоҳазалар

Электр энергияси ва табиий газ тақчиллиги юртимизга совуқ ҳаво оқимининг кириб келиши билан янада сезилиб, муаммоларимиз ортшига сабаб бўлди. Таълим муассасаларида дарслар, баъзи корхона ва ташкилотларда иш жараёни муайян муддатга тўхтаб қолди.

Эсимда, ўқувчилик йилларим қишда синф хонамизнинг печкаси эрталаб фақат бир марта ёқиларди. Уйимиз ҳам атиги икки маҳал иситилар ва шу илиқ ҳарорат тафти биз учун етарли эди. Таълим олиш, кундалик турмуш ишлари ўз маромида давом этверарди.

Ёшлигимда отам табиий газ захиралари тугаб қолиши мумкинлиги, тежаб-тергаб ишлатишимиз кераклигини, электр энергиясини эса зарур вақтдагина ишлатишимизни тайинларди. Бу гапларга ҳам 40 йилдан ошди. Шу вақт давомида юртимизда аҳоли сони 3 баробарга, ишлаб чиқариш, са-

ноат қувватлари ҳам бир неча баробарга ошди. Хонадонларимиз маиший техникаларга тўлди. Музлаткичдан тортиб чангюттичгача, аристондан тортиб кондиционергача ҳар бир хонадонга кириб борди. Бу эса энергетика ресурслари сарфининг тинимсиз ошиб боришига олиб келди.

Тасаввур қилинг, ҳар бир хонадонда ўрнатилган аристон камида 60-100 литр сувни доимий қайноқ ҳолатда сақлаши учун қанча қувват керак бўлади? Данғиллама уйлариимизнинг ҳар бир хонасини иссиқлик билан таъминлаш учун қанча газ ва электр энергияси сарфланади? Ана шундай вази-

ятда барча ресурсларни ҳар бир хонадонда тежаш табиий манбаларимиздан оқилона фойдаланишнинг бир йўлидир.

Аввало, бу борада чуқур тушунтириш ва тарғибот ишларини йўлга қўйиш, хонадонларга «Қишки хона» тушунчасини кириштириш зарур.

Ҳар бир хонадонни инвентаризация қилиб, оила сонига қараб фақат кичик хоналарни қишки мавсумда иситиш, керак бўлса, шу хонадон уйининг иссиқлик сақлаши ҳолатини мустақамлаш, унинг давлат стандартлари асосида қайта жиҳозланишини ташкил этиш, «Қишки хона»ларнинг ҳажмини кичрайтириш, деворлар, полларнинг иссиқлик сақлаш мосламалари (утеплитель, стекловата, минвата) билан қоплаб яшаш хоналарининг иссиқлик сақлашини таъминлаш лозим.

Сўнги пайтларда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш масаласида кўп гапириляпти. Лекин амалда ёруғлик панели сотадиган дўкон ёки шу панелларни ўрнатиб берадиган бирор тадбиркорни излаб тополмасиз. Зеро, бу масалага жиддий эътибор қаратиш, аҳолининг барча қатламлари сотиб олиш имконияти бўлган кичик ёруғлик панеллари, иситиш батареялари, энергияни иқтисод қиладиган мосламалар, лампалар сотувини йўлга қўйиш лозим бўлади.

Хуллас, ҳар бир раҳбар, ҳар бир фуқаро ўз ташкилоти, ўз рўзгорига сарф бўлаётган электр энергияси, табиий газни, ичимлик сувини тежасин, токи узоқ кишлоқларимиз, чекка ҳудудларда яшаётган юртдошларимизнинг хонадонларига ҳам илиқлик, ёруғлик кириб борсин!

Ҳамид БЕШИМОВ,
Ўзбекистон касабаяушмалари
Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши
раиси ўринбосари



ҲИЙИНОЧОҚ – ОДДИЙ ОВУНОЧОҚ ЭМАС

Жажжи болажонларнинг дунёни англаши, тасаввур олами кенгайиши, сўз бойлигининг шаклланишида ҲИЙИНОЧОҚЛАР муҳим ўрин тутди. Лекин...

Маълумотларга кўра, ҳар йили дунё бўйича 3 миллиарддан ортиқ ҲИЙИНОЧОҚ ишлаб чиқарилади ва сотилади. Афсуски, жаҳон бозорларида сотилаётган салкам 60 фоиз ҲИЙИНОЧОҚНИНГ сифати назорат қилинмас экан. ҲИЙИНОЧОҚЛАР ёғоч, резина, картон, металл, шisha, мато, пахта, тери, чинни билан бир қаторда, полимердан ҳам тайёрланади. Полимер бирикмалардан ишланган ҲИЙИНОЧОҚ энгил, эластик, чиройли ва чидамли бўлади. Силлиқлиги учун кам ифлосланади, тозаланиши осон. Лекин полимерлар ташқи муҳитга зарарли кимёвий бирикма ажратиши, болажонлар соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин.



Агар сиз сифатсиз ҲИЙИНОЧОҚ маҳсулотларини харид қилган бўлсангиз (бўёғи кўлга юқадиган, кимёвий ҳидга, эга, ёрлиги бўлмаган ёки ёрлиғида тўлиқ маълумот берилмаган, мувофиқлик сертификатига эга бўлмаган ва ҳ.к.) бу ҳақда тегишли назорат органларига мурожаат қилишингиз лозим.

Амалдаги тартибга кўра, мамлакатимиз ҳудудига олиб кириладиган ҳар қандай турдаги болалар ҲИЙИНОЧОҚИ белгиланган талабларга жавоб беришини таъдиқловчи ҳужжат – мувофиқлик сертификатига эга бўлиши шарт. Шунингдек, уларнинг гигиеник сертификатга эга бўлиши ҳам талаб этилади. Аммо ҲИЙИНОЧОҚЛАР сотиладиган болалар расаларида миллий менталитетимизга умуман тўғри келмайдиган, болалар саломатлиги, руҳиятига салбий таъсир кўрсатадиган, санитария-гигиена талабларига жавоб бермайдиган, сифатсиз кўғирчоқ ва ҲИЙИНОЧОҚЛАР ҳам учраб туришидан кўз юмиб бўлмайди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига қарашли Саратон касаллигини ўрганиш агентлиги маълумотида кўра, ҲИЙИНОЧОҚЛАР таркибида бўладиган формальдегид кимёвий бирикмаси инсон организмда саратон касаллигини келтириб чиқарувчи асосий омил ҳисобланади. Айниқса, болалар организми заиф бўлгани учун формальдегид бола танасида тўпланганда йўталиш, гижжа, бронхит астма каби касалликлар жадал ривожланишига олиб келади. Бундан ташқари, ранг ўзгариши, толиқиш, нафас қисими, бош оғриғи, уйқусизлик, ҳатто онгнинг заифлашишига сабаб бўлади.

Болажонлар орасида кўрқинчли киёфалар акс эттирилган ҲИЙИНОЧОҚЛАРНИНГ «ишқибоз»лари ҳам топилади. Лекин бу бола руҳиятига салбий таъсир кўрсатиб, неврологик касалликлар пайдо бўлишига олиб келиши мумкинлигини унутмаслик лозим.

Таркибида саломатлик учун хавфли моддалар, хусусан, формальдегид, фенол, феноксил, метил, изобутират мавжуд бўлган ҲИЙИНОЧОҚЛАР боланинг жигари, буйрағи, ошқозон-ичак йўллариини захарлаши мумкин. Бундан ташқари, кимёвий буюқлар кўнгил айнаши, қайт қилиш, кўз остининг кўкариши, ланжлик, турли тошма ва ишларга сабаб бўлади.

Сифатсиз пластмасса ва резинадан тайёрланган ҲИЙИНОЧОҚЛАР болаларнинг нафас йўллари ва ошқозон-ичак фаолиятига жиддий зарар етказиши.

Кўп миқдорда кимёвий ва синтетик толалар ишлатилиб тайёрланган юмшоқ ҲИЙИНОЧОҚЛАР эса болаларда аллергия кассалликларини келтириб чиқаради.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, жондан азиз фарзандларимизга ҲИЙИНОЧОҚ харид қиладиганда унинг сифатига, соғлиқ учун безарар эканига эътибор қаратиш шарт!

Суяндик МАМИРОВ

Мушоҳада

Баъзан кўча-кўйда ва жамоат жойларида хархаша қилиб, ота-онасининг гапига кирмаётган болаларга кўзимиз тушади. Уларнинг орасида ерга ётиб олиб, ўз «ҳўкмини» ўтказишга уринаётганларини ҳам кўриш мумкин. Хонадонлардаги ҳолат ҳам бундан мустасно эмас. Ҳар сафар ишдан қайтганда жажжи набираларимизга нимадир олиб борсак, улар шунга ўрганиб қолишади. Уйга киришимиз биланоқ ёнимизга югуриб келиб, нима келтирганимизни сўрайдиган одат чиқаришади. Рад жавобини эшитсалар, дарҳол жазавога тушиб, йиғлай бошлашади. Ҳўш, бунинг сабаби нима: эркатойликми ёки инжиқлик? Эҳтимол, у технологиялар асри болаларига хос ҳолатдир? Биз кўпчиликини қизиқтирадиган шунга ўхшаш саволларга ойдинлик киритиш мақсадида психолог Розалия ГАБДУЛҲАКОВА билан суҳбатлашдик.

Мутахассис фикри

«Хархаша қилма, жон болам!..»

– Бу ҳақда фикр билдиришдан олдин бола ўз ҳиссиётларини тушунмаслигини ва бошқара олмаслигини, ёшига боғлиқ кризислар туфайли инжиқ ва йиғлоқи бўлиб қолиши табиий эканлигини эслатиш жоиз. Қолаверса, ҳозирги давр болаларига бундан ўн йил олдингига нисбатан талаб анча катта. Эрта ривожланиш, яъни ҳарфлар ва сонларни, турли тилларни бир вақтнинг ўзида ўрганиш улар учун оғирлик қилади. Бундай талабларни рўйбга чиқариш оналар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Ўз-ўзидан аёнки, асаби бузилган она ўзи нимани хохлашини тушунмаётган фарзандига қаттиқроқ гапириб, дакки беради. Оқибатда кичкинтой янада баттарроқ инжиқланади. Энди бир йўлаб кўринг, бизнинг мурғаклигимиз қандай кечган эди?

Аваллари памперс бўлмагани сабабли болақай индамай иштонини хўллаб кўядими, қўлидаги нарсани тушириб ёки овқатни тўкиб юборадими – ҳаммаси гўдакларга хос одатлар саналар ва бунинг учун танбеҳ берилмасди. Чунки бувилимиз «Бола беш ёшгача подшо бўлади!» деб уларни худда-беҳуда койишга изн беришмасди. Ва яна, «Болани урсанг, эти қотади, сўксанг, бети қотади», деб кўп уқтиришарди. Шу боис фарзандларимиз гапга кирадиган, қилма деган ишни қилмайдиган, анча босиқ бўлишарди.

Ҳозир-чи?.. Ота-оналар, ҳатто катталар ҳам янги гиламни «расво» қилган боладан кўрсанг бўлмайди. У эса биргина «Эй, нима қилиб қўйдинг?» деган гап ўзига тегишли эканлигини сезгани ҳамона йиғлай бошлайди.

Яна бир муҳим омил ҳаёт тарзимиз ўзгарганидир. Ҳозир аксарият болалар телевизор ёки телефондан мультфильмлар томоша қилиш билан андармон. Ҳатто 4-5 ойлик гўдакнинг қўлида ҳам шу матоҳ. Албатта, бундай шароитда улғайган бола 2-3 ёшга тўлганда, қўлидаги нарсани олиб қўйсангиз, дод солади. Бу ўз-ўзидан оналарнинг ҳам асабийлашишига олиб келади. Фарзанди ҳам худди томошабин каби бу ҳолатни кўради-ю, норози вақтида ўзини



қандай тутишни онаси ёки отасидан ўрганади.

Онанинг гўдакка эътибори камлиги, у билан ўйнамаслиги, кам мулоқотда бўлиши ҳам фарзанди тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Эндигина тили чиққан, ҳар нарсаси қизиқадиган кичкинтойнинг кўп нарсаларни сўрайвериши, онанинг эса жавоб бермай, жеркиши ҳам унинг руҳиятига салбий таъсир қилади. Тоза уйни ифлос, кийимларини кир қилмаслиги тайинланиши, болаларга хос бошқа кўп нарсадан мосуво этилиши туфайли у улғайгани сайин тенгдошлари орасида ўзини қандай тутишни билмайди. Оқибатда кўпчиликка гапга кирмайдиган, ўжар болага ўхшаб кўринади.

Албатта, бу борада виртуал ҳаётни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак. 4-5 ойлик болалар телевизор ёки Интернет орқали кўраётган мультфильм ва блогларда одобсизликка боғлиқ бўлганлари жуда кўп. Ютубдаги болаларбоп контентда инжиқ болани ва унинг барча талабларини қондираётган ота-онани кўриш мумкин. Кичик ёшдан экран олдида ўтирадиган ўғил-қизлар баъзида психологик ривожланишдан ортада қолишлари ҳам тайин.

Маълумки, экологиянинг ўзгаргани ҳамманинг, жумладан, ўсиб-ўлғаяётган гўдакларнинг ҳам жисмоний ва руҳий саломатлигига муайян даражада путур етказмоқда. Зарур моддаларнинг етишмаслиги зурриётларимизни нозикроқ, тоқатсизроқ ва инжиқ қилиб қўймоқда.

Тарбиядаги хатоларни болалар серхархашалигининг энг асосий сабабларидан бири деб айтиш мумкин. Баъзи ота-оналар болаларига ҳаддан зиёд талаблар қўйишди, айримлари бу борада иккиланиб қолишади. Ота-она нима хохлашини тушунмаган бола эса йиғлаб, талвасага тушади, галва кўтаради. Ўз навбатида, бу ҳолат катталарни фикридан қайтариш учун уриниш ва ундан ҳаммиша фойдаланишдек ёмон одатга айланиб қолиши эҳтимолдан холи эмас.

Раъно МАҲҚАМОВА
ёзиб олди.

Эълонлар

2004 йил 5 май куни Курбанова Махмудхон номига берилган № 0021/14106 рақамли давлат далолатномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади

2018 йил 12 январь куни Хабусев Ринат Абдуллаевич номига берилган № 07-02/7135 рақамли давлат далолатномаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти жамоаси таҳририятнинг Самарқанд вилояти бўйича мухбири Нурилла Шамсиева волидаи муҳтарамаси

Зулайхо ШАМСИЕВА

вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси ва касабаяушма кўмитаси университетнинг Роман-герман филологияси факультети Немис тили назарияси ва амалиёти кафедраси доценти

Гулнора САТТОРОВА

вафот этгани муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.



«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳай'ати:

Qudratilla RAFIQOV
(taħir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI,
Anvar ABDUMUXTOROVI,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OVIBNARAZOVA,
Anvar QULMURODOV

(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),

Mehridin SHUKUROV
(Mas'ul kotib – «Ishonch»),

Valentina MARSENYAK
(Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti –
(71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot –
(71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport –
(71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash –
(71) 256-85-43
Marketing va obuna –
(71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi –
(+998-97) 506-86-98
Andijon viloyati –
(+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati –
(+998-91) 406-43-24
Jizzax viloyati –
(+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati –
(+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati –
(+998-99) 889-90-28
Samarqand viloyati –
(+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati –
(+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati –
(+998-99) 889-90-32
Farg'ona viloyati –
(+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati –
(+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati –
(+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Muallif fikri taħririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchesi muharrir:
A. Haydarov
Musahhah:
D.Ravshanova
Sahifalovchi:
H. Abdullajilov

Boshiga topshirish vaqti – 22:20
Topshirildi – 22:40

Bahosi kelishilgan narxda
Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Taħririyat hisobraqami:
2021.0000.0004.3052.7001,
ATB «Ipoteka bank»
Yashnabod filiali,
bank kodi: 00959,
STIR: 201133889,
OKEID: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma G-113
Nashr ko'rsatkichi: 133

1 2 3 4 5 6
Umumiy adadi 31552
15453 nusxasi «Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmasnasasida chop etildi.
Korxonaning manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.